



**THE UNIVERSAL SIGNIFICANCE OF SCIENTIFIC-  
SPIRITUAL HERITAGE OF KHOJAGON, NAQSHBANDI SUFI  
TEACHINGS IN THE CONTEXT OF WORLD  
CULTURAL CIVILIZATION**

**International scientific conference**

**May 27-28, 2019 Navoi, Uzbekistan**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ  
“ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР” КАФЕДРАСИ

“ЖАҲОН МАДАНИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ КОНТЕКСТИДА  
ХОЖАГОН, НАҚШБАНДИЯ ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИ  
ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ УМУМБАШАРИЙ АҲАМИЯТИ”  
МАВЗУСИДАГИ  
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

1-КИТОБ

Навоий-2019

## “НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ” МУЗЕЙИ. КЕЧА ВА БУГУН.

Ш.Жўраев

БухДУ. Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари мутахассислиги I босқич магистранти. Бухоро.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 1992 йил 28-октябрдаги 497-сонли “Баҳоуддин Нақшбандийнинг 675 йиллигини нишонлаш ҳақида”ги Фармониغا биноан 1993 йилнинг сентябрида бутун дунё халқлари томонидан XIV аср Ўрта Осиё тасаввуфнинг атоқли намояндаси Баҳоуддин Муҳаммад Бурхониддин Муҳаммад ал-Бухорий (1318-1389)нинг 675 йилликлари кенг нишонланди. Шу муносабат билан Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуасида 1993 йил Бухоро музей-қўриқхонаси тангашунослик ва эпиграфика бўлими таркибида махсус “Тариқати Нақшбандия” музейи ташкил этилди. Мазкур музей Ўзбекистон бўйича тасаввуф таълимотига бағишланган ягона музей саналади.

1995 йилда Баҳоуддин Нақшбанд илмий меросини ўрганиш мақсадида мазкур музей таркибида “Нақшбандия тариқати” Илмий Маркази ташкил топди.

2003 йилнинг сентябрида “Нақшбандия” тариқатининг асосчиси, буюк мутафаккир Баҳоуддин Нақшбанд таваллудига 685 йил тўлиши муносабати билан Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуаси қайта таъмирланиб, “Нақшбандия” илмий маркази ва “Нақшбандия тариқати” музейи бирлаштирилиб, унинг экспозицияси миллий истиқлол ғояси асосида қайта ташкил этилди, кейинчалик, илмий марказ биноси вилоят ҳокимлигининг кўрсатмасига биноан музейдан алоҳида ажратиб қўйилди.

Музей экспозицияси тасаввуф таълимотининг асосчилари Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Хожа Ориф ар-Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Рометаний, Муҳаммад Бобойи Саммосий, Мир Кулол, Нақшбанд сингари 7 пирнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини кенг ёритиш билан чегараланибгина қолмасдан, музей илмий ходимлари тасаввуф тариқати илмий меросини ўрганиш борасида буюк ҳамюртларимизнинг одоб-ахлоқ, инсон тарбияси оиланинг жамиятдаги ўрни, ёшлар тарбияси сингари мавзуларида орифона суҳбат ва маърузалар халқ оммаси ҳамда ёшлар ўртасида ташкил этилмоқда.

Ҳозирги кунда музей экспозицияси Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуаси таркибига кирувчи Дониёлбий мадрасаси (XVII аср) биносидан жой олган. Маҳаллий ҳокимиятнинг қарори билан 2013 йилда музей шу бинога кўчирилган. Музей халқаро ва маҳаллий сайёҳлик маршрутига киритилган. Мадраса биноси – 285 м<sup>2</sup> ўлчамдаги умумий майдонни эгаллаган. 107 м<sup>2</sup> экспозиция майдонида 200 га яқин Бухоро давлат музей-қўриқхонасининг асосий фонд экспонатлари намойиш қилинмоқда. Жумладан мазкур музейнинг ноёб ва қимматли экспонатлари сирасига Сайфиддин Бохарзий (1190-1261 йй.) мақбарасига ўрнатилган ёғоч ўймакорлигининг ноёб намунаси саналган қабр тахтаси (XIV аср), Мирзо Улуғбек мадрасаси кириш дарвозасидаги “Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздор” деган ҳадис ёзилган китоба (1417 йил), Бухоро бўйича ҳажми жиҳатдан катта Қуръон китоби (XVIII аср), Қуръони Карим оятлари (“Бақара”, “Ёсин”, “Зумар”, “Музаммил” ва “Ихлос” сураларининг оятлари) ёзилган эркаклар чопони сингари буюмларни киритиш мумкин.

“Нақшбандия тариқати” музейида сўнгги реэкспозиция ишлари 2017-2018 йилларда ўтказилган бўлиб, шундан сўнг музейдаги витриналар ва моддий техника базаси янгисига алмаштирилди. Музей-қўриқхона фондларида сақланаётган музей экспозиция мавзуйи-режасига мос келадиган қўшимча экспонатлар билан бойитилди. Ҳозирги кунда музей экспозицияси ташриф буюрувчи маҳаллий ва хорижий сайёҳларда алоҳида қизиқиш уйғотади. Мавзуйи-экспозицион режасига мувофиқ ислом динининг Ўрта Осиё бўйлаб тарқалиши, XIV аср охирларида келиб тариқатнинг 12 та асосий оқими вужудга келиши ва ўзининг тармоқлари орқали бутун мусулмон оламига тарқалиши кенг ёритиб берилган. Тасаввуф илму амалиётининг асосий вазифаларидан бири, инсонни ҳар жиҳатдан баркамол, етук, чин инсон қилиб тарбиялашдан иборат эканлиги сайёҳларга маърузалар ва экскурсиялар давомида музей ходимлари томонидан таъкидлаб ўтилади. Ҳозирги кунда музей экспозицияси мадраса биносининг 8 та ҳужрасидан ўрин эгаллаган бўлиб, унинг сўнгги қисми Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида тасаввуф таълимотининг йирик намоёндаси Баҳоуддин Нақшбанд меъморий иншоотининг қайта тикланиши ва унинг илмий меросининг ўрганилишига бағишланган. Шунингдек, музейга совга қилинган турли буюмлар, китоблар, бундан ташқари тариқат кенг тарқалган Туркия давлатининг Президентлари ташрифлари тасвири акс этган фотосуратлар ўрин олган.

Мазкур музей ҳозирги давр инсонларининг ижтимоий ҳаётида ислом динининг маънавий таъсирини ўз даврида ва ҳозирги кунда қай даражада ўрни борлигини кўрсатишга хизмат қилади.

## АБУ РАЙҲОН МУҲАММАД ИБН АҲМАД БЕРУНИЙ ВА УНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Мардонов Шохрух Нурхон ўғли- НавДКИ.3-босқич толиби. Навоий.

Шарқ ривожланиш даврининг етук қомусий олими Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний 973 йилнинг 4 сентябрида қадимги Хоразмнинг пойтахти Кот (Қиёт, ҳозирги Қорақалпоғистон Республикаси Беруний шаҳри) шаҳрида туғилган<sup>393</sup>. Берунийга туғма ақл-заковат тақдим этилган. Шунинг натижасида у камбағал оилада таваллуд топган бўлишига қарамасдан илм-фаннинг барча соҳаларига жуда ҳам қизиққан. Ўша даврнинг энг улуғ олимларидан бири бўлган астроном, математик Абу Наср ибн Ироқ Берунийда бор иқтидорни, унинг қизиқишларини сезиб, уни ўз тарбиясига олган. Ўша даврда Хоразмшоҳ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ироқ 15 ёшли отасиз қолган Муҳаммадга илм ўрганиши учун барча шароитларни

<sup>393</sup> М. Аҳадова. “Ўрта Осиёлик машҳур олимлар ва уларнинг математикага доир ишлари”. Т.: “Ўқитувчи”-1983. Б.63-65